O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 8 октябрь, №206 (3318) Чоршанба

## ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7 октябрь куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

***Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиққанини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади.

Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари - Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: "Пахтабанк" бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Тошкент шаҳридаги "Файз-барака" компанияси раҳбари М.Акромова, Ўзбекитон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: учрашув пайтидан лавҳалар.**
**Д. ЮСУПОВ олган суратлар.**

## Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим

### Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги

### НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади - ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг ғоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури хусусида муҳокамалар, баҳслар олиб бориляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқибатда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, авваламбор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

(Давоми 2-,3-бетларда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан 2003 йил 9-10 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 октябрь.

## СЛОВЕНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).*

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Словения Республикаси ташқи ишлар вазири Дмитрий Рупель раҳбарлигидаги делегация аъзолари 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Словения Марказий ва Шарқий Европадаги барқарор ривожланаётган мамлакатлардандир. Ўзбекистон Словенияни ўзининг Европадаги муҳим ҳамкорларидан ҳисоблайди. Бинобарин, мазкур ташриф икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиши билан муҳимдир.

Олий Мажлисдаги суҳбат чоғида Словения делегациясининг мазкур ташрифи икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Мулоқотда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчиликка қарши курашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Музокара сўнгида Ўзбекистон Республикаси ва Словения Республикаси ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим ҳамда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорликка оид протокол имзоланди.

Д.Рупель пойтахтимизда ташкил этилган Словения Республикаси Фахрий консуллигининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. У журналистлар билан суҳбатда ваколатхонанинг очилиши Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Шу куни словениялик меҳмон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талаба ва ўқитувчилар билан учрашди.

---

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисоботдан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитади.

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисоботдан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботлари юзасидан қабул қилган қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатасининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эшитиш фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ташаббусига кўра амалга оширилади ҳамда Қонунчилик палатаси мажлисларининг кун тартибига мувофиқ ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатасининг депутатлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ёки Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

### IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**34-модда. Қонунчилик палатасининг халқаро алоқалари**

Қонунчилик палатаси бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашиниши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегацияларининг раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Қонунчилик палатаси мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

**35-модда. Қонунчилик палатаси харажатларининг сметасини тасдиқлаш**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 август.

16

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2003 йил

Қирқиш чизиғи

томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айни шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганда Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди.

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади.

**14-модда. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш**

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш масъул қўмита томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама қилиш очиқ, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

Агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни:

Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини;

масъул қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳолдаги хулосасини илова қилиб, Қонунчилик палатасининг Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**15-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган ҳисобланади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Масъул қўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

8

Буклаш чизиғи

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан тўлалигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Қонун 18-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади.

**16-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатаси Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир паладан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта

9

---

***Ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.***

# Тадбиркорлар ва ишбилармонлар Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, авваламбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими - охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон-бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бошидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир йўлларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган яккапартиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маъқул ёки номаъқул бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яхши биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юртимизда етмиш йилдан кўпроқ яккаҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳалибери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўппартиявийлик муҳитида ишламоқда, имкон қадар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз ғояси, ўз дастури атрофида жипслаштиришга интилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўяётган қадамлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўппартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олдинга сурадиган ғоялари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда суст кечмоқда. Бундай интилиш ва ҳаракатлар, айтиш мумкинки, умуман сезилмаяпти.

Шуни яна ва яна бир бор афсус билан таъкидлашга мажбурман - ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжудлиги - улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими - бу ҳам табиий ҳол.

Ҳар қандай фаолият кўрсатаётган партия юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби ғояларни ўзининг эзгу мақсади деб олдинга суришига, ишончим комилки, ҳеч ким қарши чиқмайди.

Бошқача айтганда, бугун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга бўлган кўпгина партияларимиз демократик принциплар ва миллий қадриятларимизга асосланган келажагимизни кўришга бел боғлаганини, шу мақсадда олиб бораётган ислоҳотларимизга муносиб ҳисса қўшаётганини ҳеч ким инкор этолмайди ва бу борада уларни албатта қўллаб-қувватлайди.

Лекин табиий бир саволга жавоб топиш қийин бўляпти. Бу эзгу мақсадларга эришишда ким қандай йўлларни, қандай модел ёки программаларни таклиф этмоқда ва уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатмоқда?

Яна битта масала: бу партиялар кимларнинг, қайси ижтимоий табақаларнинг аниқ манфаатларини кўзлайди?

Афсуски, бу саволларга ҳам тайинли жавоб йўқ.

Бугун бизнинг олдимизда турган мақсад битта — озод ва обод, фаровон ҳаёт қуриш, лекин бу мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Нима туфайли, нима эвазига, нималарга суяниб ва таяниб амалга ошириладиган қандай дастур асосида биз бу мақсадларга етамиз? Бу борада биз қандай муаммоларни бартараф этишимиз, қандай марраларни эгаллаб, қандай босқичлардан ўтишимиз даркор? Энг қийин масала мана шу ерда.

Бундай вазиятни сиёсий ёки иқтисодий соҳаларда, ижтимоий, маънавий-маданий йўналишларда, умуман, давлат ва жамиятимизни қуриш, уни идора қилиш ва бошқариш масалаларида кузатишимиз мумкин. Нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги авлодларнинг келажагига ҳам таҳдид солаётган, халқаро майдонда тобора кучайиб бораётган янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимизда қарор топган тинч ва осуда ҳаётни бу бало-қазолардан асраш мақсадида нималарга нисбатан эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз, ташқи ва ички сиёсатимизни узоқни кўзлаб, қандай принципларга асосланиб, нималарга ва кимларга таянган ҳолда олиб боришимиз зарур деган саволлар, аввало, сиёсий партияларимизнинг аъзо ва раҳбарларини қийнаши керак эмасми?

Лўнда қилиб айтганда, бугунги вазият бу йўналишларда давлат сиёсатини аниқлаш, якка-ягона тўғри йўлни ишлаб чиқиш ва танлаш масаласида партия ва ҳаракатлардан тинмай бош қотиришни, бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилаётган баҳс ва муҳокамаларда ўз фикри ва позициясини ҳимоялашга қодир бўлишни ва ўз ҳақлигини исботлаб беришни тақозо этади.

Лекин, очиқ айтиш керак, бизда бу борада қандайдир лоқайдлик, хотиржамлик ва бепарволик ҳукм сурмоқда. Худдики, ҳамма оғир ва кескин муаммолар бугун ҳам, эртага ҳам ўз йўли билан ҳал бўладигандек, кимдир уларни ечиб беради, деган кайфиятлар устун бўлмоқда.

Аксарият партияларимиз эса курашиш ўрнига, сен менга тегма, мен сенга деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқада қолмоқда.

Баъзилар, бу катта сиёсат, бунга тажрибамиз ва қурбимиз ҳали етмайди, деб эътироз билдириши мумкин. Бундай қарашлар билан мутлақо келишиб бўлмайди. Нега деганда, сиёсий партия, деб ном олган куч, авваламбор, шундай мураккаб сиёсатга ўз ҳиссасини қўшиш учун майдонга чиқади.

Майли, келинг, бундай стратегик, ўта оғир сиёсий муаммоларни ечишдан кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учрайдиган масалаларга ўтайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири - жойлардаги, авваламбор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албатта. Бу муаммонинг илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

Аввало, ўйлаб кўрайлик, ишсизлик ўзи нимадан пайдо бўлади?

Бу муаммонинг ижобий ёки салбий томонга ўсиши, биринчи галда, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Айтайлик, иқтисодиёт тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шу ҳисобидан корхоналарга валюта тушса, албатта, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Ва бу нарса нафақат завод ёки хўжалик, балки шу ерда ишлайдиган ҳар бир инсоннинг даромад ва буромадини ташкил қилади. Натижада ишсизлик даражаси пасаяди.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши - бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими - шу тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги кун талаб қиладиган касб-ҳунарларни ўрганишни, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришни, мухтасар айтганда, замон билан тенг қадам ташлашни тақозо этади.

Ҳозирги давр шиддати шундайки, озгина оқсоқликка йўл қўйган одам ёки корхона эртага ҳаётдан орқада қолиб кетиши мумкин. Маҳсулот таннархи ҳам, даромад ва буромад ҳам, турмуш даражаси ҳам замон билан ҳамқадам юришимизга чамбарчас боғлиқ. Бу оддий ҳақиқат бўлса ҳам, уни такрор-такрор айтишга тўғри келмоқда. Одамларни иш билан банд қилишнинг яна бир омили шуки, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, тадбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдинга интилиш лозим.

Бу масалада Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимий жонсаракликни, ақлни ишлатишни, таптақир жойда ҳам имконият топишни талаб қилади ва улар бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда.

Демак, ишсизлик масаласини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган партия ёки ҳаракат, аввало, муаммонинг мана шундай туб илдизларини чуқур ўрганиши, шу хусусда бош қотириши, жамоатчилик ва халқнинг эътиборини шунга қаратиши лозим. Фақат шунинг эвазига улар етакчи ижтимоий ёки сиёсий куч деб ном олиши, эл-юрт орасида чинакам обрў-эътибор қозониши мумкин.

Мактабларимизнинг аҳволига эътибор берайлик. Бугун бизда 30 фоиз мактаб бинолари ночор ҳолатда. Очиқ тан олишимиз керак - бу муаммони, мактаблар масаласини тўла ечишга жойларда куч-имкониятларимиз етишмаяпти. Бу масалани ҳал этишга партиялар қандай ҳисса қўшмоқда? Мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарур шароит яратиш борасида улар қандай ташаббус билан чиқмоқда? Азалий урфодатларимизга амал қилиб, маҳалла билан, жамоа билан биргаликда ҳашар уюштириб мактаб муаммоларини ечиш учун қайси партияда қандай амалий ҳаракат ёки интилиш сезилмоқда?

Сир эмас, бугунги кунда кўп мактабларда янги дарсликлар, китоб ва ўқув қўлланмалари етишмайди. Бир қарашда, бу оддий масалага ўхшайди. Лекин ҳаёт мана шундай оддий масалалардан ташкил топади, шуларнинг таъсирида ўтиб боради.

Шу муаммони ечиш борасида, мисол учун, ўзини ёшлар партияси деб атаган Фидокорлар партияси нима иш қиляпти? Бу масалада бирон мактабга бир-иккита компьютер совға қилиш билан иш битадими? Бу муаммони ҳал этиш учун жиддий ўйлаб, аниқ дастур тузиб, енг шимариб узоқ ишлашга тўғри келади.

Ёки кўп жойларда одамларни қийнайдиган масала - ичимлик суви масаласини олайлик. Бу муаммо нафақат олис қишлоқларда, балки кўпчилик туман марказларида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Яқинда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича 2009 йилгача мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинди. Кўпгина ташаббуслар қаторида бу дастурнинг ижроси ҳам Президент ва ҳукумат зиммасида турибди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу масалалар ҳал бўлганидан кейин улар ҳақида гапирадиганлар, биз ундоқ қилдик, бундоқ қилдик, деб кўкрагига урадиганлар кўпаяди, албатта. Халқимиз таъбири билан айтганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганлар топилиши шубҳасиз.

Демоқчиманки, агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин. Менимча, бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қуйидан, оддий инсонлар орасидан бошланиши керак. Ҳар қандай таклиф-ташаббус тадбиркорлик ва ишбилармонлик маҳсули сифатида юзага чиққан тақдирдагина яхши самара бериши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан ҳис этадиган, ўзини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи галда, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта топаман, кўзлаган мақсадимга албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшаши ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлишини истардим.

Бизда бу борада ҳали ишга солинмаган, таъбир жоиз бўлса, теша тегмаган қанча имконият ва бойлик бор. Шуларни кўра биладиган, ўз онгидан ўтказадиган инсоннинг билими, ақл-заковати, ҳаракати ва куч-қудратига ишонган ва суянган ҳолда буни фаровон ҳаётга эришишнинг яккаю ягона тўғри йўли деб ҳисоблайдиган ва шундай ғояларни олға сурадиган сиёсий кучгина ҳақиқий партия бўлиб шакллана олади.

Ҳозир нима бўляпти? Кўпгина партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда, уларнинг айрим раҳбарлари бир поғона ўсдими - дарров доҳийлик касалига йўлиқмоқда.

Улар ўзини қандайдир партиявий фаоллар деб ҳис қила бошлайди. Етакчилик улар учун гўёки касбга айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқнинг ичида улардан ҳам донороқ, эл-юртнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаволаниб кетмайдиган, ўзини кўпчиликдан устун қўймайдиган, камтар ва билимдон одамлар кўп.

Шу ўринда ўзимизга яна бир савол берайлик: бугунги кунда партияларимиз сафида бундай аъзоларнинг сони қанча? Фақат қуруқ гап сотиш, сўз юритиш билан эмас, ўз фаолияти мисолида амалий ишлари билан - тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўладими, фермерлик бўладими - ўзининг манфаатини, шу билан бирга эл-юртнинг ғамини ва ташвишларини ҳисобга олган ҳолда, каттами-кичикми фойда берадиган ишларни узил-кесил ҳал қиладиган, уни қойил қилиб амалга оширишга қодир одамларнинг сони қанча? Ва партияларнинг бу одамларга таъсири қандай?

Барака топкурлар, айтинглар, нега деҳқон-фермерлар, тадбиркорлар ва ишнинг негизини биладиган кишилар, улар қайси соҳа ва йўналишда меҳнат қилишидан қатъи назар, партияларнинг эътиборидан четда қолиб кетяпти? Бу тоифа ва қатламларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари партиялар томонидан қай даражада ифода этиляпти, керак бўлса, ҳимоя қилинаяпти?

Ўйлайманки, бу саволларга жавоб топиш ва бундай масалаларни ечиш вақти келди. Буни жадал суръатда ривожланаётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу вазифалардан келиб чиққан ва уларни инобатга олган ҳолда, янги тузилаётган партиянинг сиёсий қиёфаси, мақсад-дастурини, керак бўлса, тарихимизда тутадиган ўрни ва мавқеини белгилаб, аниқлаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бугун мамлакатимиз, халқимиз танлаган пировард мақсадларга етиш йўлида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар билан бир қаторда, ҳаётимизда мавжуд бўлган ғов-тўсиқлар, ечилмаётган муаммо ва нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг илдиз ва томирларини аниқлаш асосида керакли хулосалар чиқариш, шу аснода мухтасар фикр юритишимиз айни муддао бўлур эди. Такрор айтмоқчиман: Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни ҳеч ким инкор этолмайди ва бунга ҳаққи ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, не-не офат ва тўфонларни, синовларни бошидан кечириб, қанча-қанча қурбонлар эвазига қўлга киритган озод ва эркин ҳаётни, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, амалда адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин иқтисодиёт қуриш имконига эга бўлганимизни, халқаро майдонда Ўзбекистон деб аталмиш келажаги буюк давлатни барпо этишга муяссар бўлганимизни минг йиллик тарихимизда Оллоҳнинг ўзи берган улуғ неъмат, деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълум — ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мана шунинг учун ҳам барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки бугун юртимизнинг тараққиётига ғов бўлаётган, унга зарар етказаётган муаммоларимизни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга бутун куч-ғайратимизни жалб қилишимиз шарт.

Айнан шу аснода, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур қилган ҳолда, эртанги кунимизни яхшилаш мақсадида замон талаб қилаётган ислоҳот дастурларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эришишда, ўйлайманки, 2000 йилда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган ва кейинчалик, тўққизинчи сессияда янада ривожлантирилган давлат ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларини либераллаштириш миллий дастуримизнинг ўрни ва моҳиятини бирон-бир нарса билан ўлчаш қийин.

Шу дастурни сўзсиз амалга ошириш, уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий қилиш, керак бўлса, унинг аҳамияти ва моҳиятини кенг оммага сингдириш масаласини бугунги кунда энг асосий, долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, шуни ўзимизга аниқлаб, чуқур англаб олишимиз зарурки, ва буни ҳеч ким инкор этолмайди, ҳар қандай тараққиёт, олдинга юриш - бу илму фан бўладими, иқтисодиёт, маънавий янгиланиш бўладими — уларнинг барчасини замирида, биринчи навбатда, инсоннинг ақл-заковати, ҳаракати, куч-қудрати туради. Бу ҳақиқат, ҳар қандай сиёсий давлат тизимидан қатъи назар, ягона ҳақиқат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, инсоннинг, керак бўлса, омма ва халқнинг бундай аломат ва салоҳияти, авваламбор, эркинлик шароитида намоён бўлади. Бунинг негизида қандай тушунча ва ғоя бор?

Мисол тариқасида иқтисодиёт соҳасини олайлик. Бу соҳа ривожини ўз зиммасига олган оддий ишчи ёки раҳбар бўладими, уларга эркинлик бермасдан, таъбир жоиз бўлса, оёқ-қўлини, онги ва тафаккурини кишанлардан озод қилмасдан туриб, инсоннинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини ишга солмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бу ҳақиқатни исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарадиган, уларга ривож ва қанот берадиган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган куч бу — аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир.

Шу фикрни ривожлантириб айтмоқчиманки, кишилик тарихида ўзининг буюк имкониятларини доимо кўрсатиб келган ва бугунги замонда яна қайтадан машҳур бўлган куч — бу иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг замини, пойдевори бўлмиш эркин тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатидир.

Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, авваламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён.

Қирқиш чизиғи

кўриб чиқилиши керак. Қонунни қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар келишув комиссиясининг қонун бўйича ишлари якунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат томонидан рад этилган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак.

**17-модда. Қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби**

Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

Масъул қўмита Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;

қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

**18-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

10

Буклаш чизиғи

нинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

## III. ҚОНУНЛАРНИ ҲАМДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚАРОРЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**12-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш**

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қуйидагилар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;

2) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

4) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чақириб олиш ҳуқуқига эга.

**13-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиш**

Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага (бундан буён матнда масъул қўмита деб юритилади) топширади. Масъул қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг хулосаси асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши мумкин.

Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата

7

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунларга, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этилади.

Қонунчилик палатасининг янги сайланган таркиби ушбу Қонунга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади.

**2-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари**

Қонунчилик палатасининг фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади.

**3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида, қоида тариқасида, ҳафтасига уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Қонунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни қабул қилишда, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг муваққат котибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

2

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Қонунчилик палатаси депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Қонунчилик палатаси томонидан, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала юзасидан қарори Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

## VIII. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

**31-модда. Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

**32-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси, шунингдек Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қилади.

**33-модда. Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши**

15

**Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.**

